

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кенгашининг ва
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кенгашининг
Кўшма қарори

**Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги Миллий
мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини
назорат қилиш бўйича Парламент комиссиясини тузиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларнинг татбиқ этилишини ташкил этиш бўйича «йўл харитаси»ни ўз вақтида ва сифатли бажариши учун фуқаролар ва давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари ҳамда ўзбекистон Республикасининг бошқа ташкилотлари ўргасида алоқани таъминлаш, шу билан бирга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларини бажаришда Парламент, хукумат ва фуқаролик жамияти институтларининг амалий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, бу масалада мунтазам равищда парламент ва жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш, шунингдек ҳар бир инсоннинг манфаатларини таъминлашга қаратилган сиёsatни амалга ошириш мақсадида ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши қарор қиласидар:

1. Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси 1-иловага мувофиқ тузилсин.
2. Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича парламент комиссияси регламенти 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Ушбу Кўшма қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Н.
ИСМОИЛОВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 27 феврал,;
149-IV-сон

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Т. НАРБАЕВА

Тошкент ш.,
2020 йил 27 феврал,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2020 йил 27 февралдаги № 149-IV/КҚ-16-IV-сонли Кўшма қарорига

1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси

ТАРКИБИ

1. Нарбаева Танзила — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, *Парламент комиссияси Ҳамраиси*
2. И smoилов Нурдинжон Муудинханович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери, *Парламент комиссияси Ҳамраиси*
3. Гадоев Эркин Файзиевич — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси
4. Алимов Равшанбек Азадбекович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси
5. Махмудова Робахон Анваровна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси
6. Эшматова Феруза Фарходовна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси
7. Тажиев Бахадир Садуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси

Комиссия аъзолари:

раиси

8. Борисова Елена — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси раиси
9. Назаров Шароғиддин Хакимович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси
10. Ходжаева . Мавлудаҳон Исламовна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси
11. Файзиева Дилором . Хуснитдиновна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентларо алокалар қўмитаси раиси
12. АлихановБорий . Батирович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси
13. Ширинов . Джаконгир Джаббарович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиб ва суд-хуқуқ масалалари қўмитаси раиси
14. . — Олий Мажлис Сенати девон ходими (*Парламент комиссияси масъул котиби*)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2020 йил 27 февралдаги № 149-IV/КҚ-16-IV-сонли Кўшма қарорига

2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссиясининг

РЕГЛАМЕНТИ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссиясининг (бундан буён матнда Парламент комиссияси деб юритилади) тузилиши ва фаолияти тартибини белгилайди.

2. Парламент комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи ҳайъат органи ҳисобланади. Миллий мақсадлар ва вазифаларни бажариш, секторлараро мувофиқлаштиришни ва Барқарор ривожланиш мақсадларига (бундан буён матнда БРМ деб юритилади) эришишга интеграцияланган ёндашувни таъминлаш бўйича давлат органлари, алоқадор вазирлик ва идоралар самарали ишлашини ташкил этишни таъминлашда Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларни 2030 йилгача бўлган даврда амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашга (бундан буён матнда Мувофиқлаштирувчи кенгаш деб юритилади) кўмаклашади.

3. Парламент комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ҳамда нормаларига, шунингдек ушбу Регламентга амал қиласди.

4. Парламент комиссиясининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Мувофиқлаштирувчи кенгаш зиммасига юкланган вазифаларни бажариш фаолиятини қўллаб-қувватлаш, назорат қилиш ва унга кўмаклашиш;

Миллий мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш ҳамда уларга эришиш масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ҳисботларини ҳар чорақда бир марта эшлиши;

қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги мақсадлар ва вазифаларнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини тизимли мониторинг қилиш;

Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожлантириш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларга киритилган соҳалар (жумладан, ижтимоий, соғлиқни сақлаш, экология, гендер тенглик, камбағалликни бартараф қилиш ва бошқа масалалар) ривожини танқидий таҳлил қилиш;

2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш бўйича

ишиларнинг амалдаги ҳолатини аниқлаш;

илғор хорижий тажрибани ўрганиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда иштирок этиш;

хукумат томонидан тақдим этиладиган йиллик бюджет параметрларининг етарлилигини ва миллий БРМни Ўзбекистонда амалга ошириш бўйича режаларига мослигини кўриб чиқиш ва, зарурат бўлса, кейинги календарь йилига мўлжалланган Давлат бюджетига ва Давлат бюджети тўғрисидаги қонунга ўзгартишлар киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

БРМ соҳасидаги ютуқларни кенг ёритиш мақсадида жамоатчилик билан алоқаларни, шу жумладан БМТ Икътисодий ва ижтимоий кенгашининг (ЭКОСОС) юксак даражадаги Сиёсий форумида Ихтиёрий миллий шарҳларни муҳокама қилиш ва тақдим этишда иштирок этиш орқали, қўллаб-куватлаш;

Парламент комиссияси ваколатига тааллукли бошқа масалаларни муҳокама қилиш.

5. Парламент комиссияси зиммасига юкланган вазифаларни ҳал қилиш учун қуидаги ҳукуқларга эга:

2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш бўйича бажарилган ишиларнинг бориши ҳақида ахборот сўраб олиш;

БРМ амалга оширилишини таъминлаш бўйича аҳоли, мутахассислар билан учрашувлар ўтказиш, аҳоли ўртасида аноним сўровлар ташкил этиш ва/ёки жойлардаги ҳақиқий ҳолатни ўрганиш;

парламент сўрови лойиҳаларини тайёрлаш, давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органлари мансабдор шахсларига депутат сўрови ва Сенат аъзоси сўрови юборилишини ташкил этиш;

ўтказилган таҳлил якунлари бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларини ва ҳукуқни қўллаш фаолиятини такомиллаштириш масалалари юзасидан таклифлар киритиш;

Мувофиқлаштирувчи кенгаш ахборотини эшлиши ва тегишли тавсиялар киритиш;

БРМ масалалари бўйича мавзуга доир конференциялар, давра сухбатлари, семинарлар ва бошқа тадбирлар ташкил этилишини таклиф қилиш.

6. Парламент комиссияси ўз ваколатларини амалга оширишда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва илмий муассасалар вакиллари, экспертлар билан белгиланган тартибда ҳамкорлик қиласиди.

II. Комиссия фаолиятини ташкил этиш

7. Парламент комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан Ҳамраислари ва аъзолардан иборат таркибда шакллантирилади.

8. Парламент комиссиясининг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг Қўшма қарори билан тасдиқланади.

Парламент комиссияси таркибига ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг Қўшма қарори билан киритилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси ва Қонунчилик палатаси Спикери Парламент комиссияси Ҳамраислари хисобланадилар, улар навбатма-навбат мажлисларда раислик қиласидилар.

10. Парламент комиссияси аъзолари жамоатчилик асосида ўз фаолиятини амалга оширади.

11. Парламент комиссияси аъзоси депутат ёки Сенат аъзоси сифатидаги ваколатлари тутатилса, Парламент комиссиясидаги ўз фаолиятини тугатади.

12. Парламент комиссияси фаолиятни самарали ташкил этишни таъминлаш ва таҳлилий тадқиқодлар олиб бориш мақсадида тегишли соҳаларда катта назарий ва амалий тажрибага эга мутахассислар орасидан илмий-экспертлар гурӯҳлари, ишчи гурӯҳлари ташкил этиши мумкин.

13. Парламент комиссияси Раиси:

Парламент комиссияси фаолиятига раҳбарлик қиласиди;

Парламент комиссияси мажлисларини чақиради, уларда раислик қиласиди;

давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар мансабдор шахсларини, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, илмий муассасалар вакилларини, мутахассислар ҳамда олимларни Парламент комиссияси мажлисларида иштирок этишга таклиф қиласиди;

Парламент комиссиясининг истиқболдаги ва жорий фаолияти режалаштирилишини ташкил этади, Парламент комиссиясининг иш режаси ва қарорлари

бажарилишини назорат қиласы;

Парламент комиссияси кун тартибини ва унинг мажлисига таклиф этиладиган шахслар рўйхатини шакллантиради;

Парламент комиссияси мажлисини олиб боради;

Парламент комиссияси мажлиси кун тартибида масалалар муҳокамасини ташкил этади ва уларни овозга қўяди;

Парламент комиссияси аъзоларининг барча таклифларини улар тушган тартибида овозга қўяди;

Парламент комиссиясининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларини имзолайди;

Парламент комиссияси аъзолари ва таклиф этилганлар ушбу Регламент нормаларига риоя этишини таъминлайди.

14. Парламент комиссияси аъзоси:

Парламент комиссияси мажлислари ҳақидаги ахборотни олдиндан олишга, Комиссия мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эга;

Парламент комиссияси мажлисида сўзга чиқишига, Парламент комиссияси ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклифлар киритиш ҳуқуқига эга;

Парламент комиссияси фаолиятига тааллукли ҳар қандай ҳужжатлар ва материаллар билан танишиб чиқиш ҳуқуқига эга;

Парламент комиссиясининг навбатдан ташқари мажлисини чақириш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига эга;

Парламент комиссияси Ҳамраислари топшириқларини бажаради;

Парламент комиссиясининг қабул қилган қарорларига қўшилмаса, ёзма шаклда ўз фикрини баён қилиш ҳуқуқига эга, унинг фикри Парламент комиссияси мажлиси баённомасига илова қилиниши шарт.

III. Парламент комиссияси мажлисларини ўтказиш тартиби

15. Парламент комиссиясининг мажлиси унинг ишининг ташкилий шакли ҳисобланади. Парламент комиссияси мажлислари иш режасига мувофиқ мунтазам равишда ўтказилади. Зарурат бўлганда, Парламент комиссиясининг навбатдан ташқари мажлислари ўтказилиши мумкин. Парламент комиссиясининг мажлисини Парламент комиссиянинг Раиси ёки унинг топшириғига биноан Комиссия аъзоларидан бири олиб боради.

Парламент комиссияси ўз ваколати доирасида ҳар қандай масалани кўриб чиқишига ҳақли.

Парламент комиссиясининг мажлиси, агар унда Парламент комиссияси аъзолари

умумий сонининг камида ярми иштирок этса ваколатли хисобланади. Парламент комиссияси аъзоси Парламент комиссияси мажлисида иштирок этиши имкони бўлмаганда, у кўриб чиқилаётган масалалар юзасидан ўз фикрини ёзма шаклда тақдим этишга ҳақли.

16. Парламент комиссияси мажлислари одатда очиқ ва ошкора ўтказилади. Парламент комиссияси мажлисларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, илмий муассасалар вакиллари, мутахассислар ва олимлар, шунингдек БМТ агентликларининг вакиллари ва масъул ҳодимлари таклиф этилиши мумкин.

Парламент комиссияси мажлисларида Сенат ва Конунчилик палатаси девонлари ходимлари иштирок этади.

17. Парламент комиссияси мажлиси давлат тилида ўтказилади. Зарур ҳолларда Парламент комиссияси мажлиси иштирокчиларининг нутқлари бошқа тилларга таржима қилиниши мумкин.

Парламент комиссияси мажлиси баённома билан расмийлаштирилиб, у мажлисга раислик қилувчи ва мажлис котиби томонидан имзоланади. Парламент комиссиясининг масъул котиби мажлис баённомасини юритади. Парламент комиссиясининг баённомасида Парламент комиссиясининг кун тартиби, аъзоларининг ва мажлисда иштирок этган бошқа шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, ҳар бир кўриб чиқилган масала бўйича овоз бериш натижалари, қабул қилинган қарорлар қайд этилади. Кун тартиби материаллари баённомага илова қилинади.

18. Парламент комиссияси мажлиси якунлари бўйича қабул қилинадиган қарорлар Парламент комиссияси Раиси томонидан имзоланадиган Парламент комиссияси қарорлари билан расмийлаштирилади. Парламент комиссияси қарорлари мажлисда иштирок этаётган Парламент комиссияси аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Парламент комиссияси қарорлари тавсиявий хусусиятига эга.

Парламент комиссияси ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлар Парламент комиссияси Раисининг имзоси билан тегишли давлат органлари ва бошқа корхоналарга, муассасаларга, ташкилотлар ҳамда масалани ҳал қилиш ваколатига эга мансабдор шахсларга юборилади. Парламент комиссияси қарорини олган давлат органлари ва бошқа корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда мансабдор шахслар белгиланган муддатда уни (хужжатни) кўриб чиқиши ва Парламент комиссияси Раисини кўриб чиқиш натижаларидан хабардор қилиши шарт.

19. Парламент комиссиясининг муҳокама масалалари ва боришига қўшилмаган аъзоси ўз фикрини ёзма тақдим этиш хуқуқига эга бўлиб, бу Парламент комиссияси аъзоларининг барчасига етказилади ва мажлиснинг тегишли баённомасига илова қилинади.

20. Парламент комиссияси томонидан муҳокама этиладиган ижтимоий муҳим масалалар ва Парламент комиссияси мажлисида қабул қилинган қарорлар Парламент комиссияси Раисининг топшириги билан оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчилик эътиборига етказилади.

IV. Якунловчи қоидалар

21. Парламент комиссияси фаолиятини ахборот-таҳлилий жиҳатдан ва бошқача тарзда таъминлаш Мувофиқлаштирувчи кенгаш ва унинг Котибияти томонидан амалга оширилади.

Парламент комиссияси аъзолари малакасини ошириш, амалиётини ва сафарларини ташкил этиш масалалари Парламент комиссияси Раиси томонидан ҳал этилади.

22. Ушбу Регламентга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги таклифлар Парламент комиссияси мажлисида кўриб чиқилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларига кейинчалик кўриб чиқиш учун киритилади.